

## Қазо рўзаларини ўтар рўза бўлган ҳолда тутиш мумкинми?

22:54 / 31.05.2017 5478

**Савол:** Ҳазрат, қазо рўзаларини ўтар рўза бўлган ҳолда тутиш мумкинми? Яқинда бир танишим Рамазон рўзасидан бошқа қазо ва нафл рўзаларини ўтар рўза яъни саҳарлик қилмасдан тутиб бўлмайди, чунки улар нафл, фарз эмас деб айтди. Фақат Рамазон рўзаси фарз бўлганлиги учун уни саҳарлик қиломаса ҳам ният қилиб ўтар рўза ҳолда тутилади деди. Олдиндан жавобингиз учун катта раҳмат айтаман!

**Жавоб:** [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Ўта рўза деган гап йўқ. Ўтар рўза дегани бор. Рўзаларнинг барчасини бу ҳилда, қасддан саҳарлик қилмасдан тутишга руҳсат йўқ.